

Халқ сўзи


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 30 июнь, № 127 (5294)

Пайшанба

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳару қишлоғи, ҳар бир маҳалласи чин маънода янгилашиб, тубдан яшармоқда. Ана шундай гўшалардан бири — Нукус шаҳри ҳам иқтисодий, ижтимоий, маданий жиҳатдан ҳар тарафлама ривожланиб бораётир. Шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, маҳаллаларни обод қилиш, боғлар, хиёбонлар барпо этиш, янги бинолар қуриш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.



— Икки-уч йил олдин Нукусга келган киши бугун уни кўрса, танимай қолади. — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли олим Файратдин Хўжаниязов. — Қанчадан-қанча ўзгаришлар юз берди. Биргина илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини оладиган бўлса, сўнгги йилларда Нукус мамлакатдаги йирик маърифат марказларидан бирига айланди, деб бе-малол айтишимиз мумкин. Президентимиз ташаббуслари билан Тошкент давлат аграр университетининг, Тошкент педиатрия тиб-



БУГУНИ ФАРОВОН, КЕЛАЖАГИ ЁРУФ

биёт институтининг, Тошкент ахборот технологиялари университетининг ҳамда Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиаллари ташкил этилди. Бугунги ёшларга ҳавас билан қарайсан, киши. Замонавий услубда бунёд этилган қанчадан-қанча касб-хунар коллежлари, академик лицейлар уларга таълим-тарбия бериш йўлида хизмат қилаётир.

Файратдин оға айтмоқчи, истиқлол йилларида қад ростлаган, замон талабларига жавоб берадиган 20 та касб-хунар коллежи, 6 та академик лицейда бугунги кунда қарийб 25 минг нафарга яқин, олий таълим муассасаларида эса 16,5 мингдан зиёд ёшлар тахсил олмақда.

Нукусда бунёдкорлик кенг қўлама-давом эттириляпти. Кейинги йилларда шаҳарда 4 та мактаб, 2 та поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди. Республика шашинчи тиббий ёрдам маркази, Тошкент акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институтининг Нукус филиаллари аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Улар энг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши сифати тобора ях-

шилаётгани эътиборга молик. Юртбошимизнинг қорақалпоқ маданияти ва санъатини ривожлантиришга, миллий қадриятларни қайта тиклашга қаратаётган улкан эътибори туяйли бугун ҳар бир нукуслик, ҳар бир қорақалпоқistonликнинг маънавий дунёсида катта ўзгаришлар юз бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ВА УЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишини, шунингдек, таркибидagi инсон ҳаёти ва соғлиги учун зарарли моддалар микдори йўл қўйилмайдиган энг юқори меъёрдан ортиқ бўлган алкоголь ва тамаки маҳсулотларини импорт қилиш тақиқлашнинг тартибга солуви ҳуқуқий нормалар белгилаб қўйилган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Шунингдек, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВЧИ ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИДИР

Бухоро вилоятида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари қонунийлик, очиқлик ва ошқоралик тамойиллари асосида, ушшоқлик билан ўтказилди. Натижада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини тезда ҳис этадиган 549 нафар раис ва уларнинг 5 минг 700 дан зиёд маслаҳатчилари сайланди.

(Давоми 2-бетда).

ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШЛАР СОҶАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

бу борадаги қонунчилик базасини янада мустаҳкамлашга боғлиқдир

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусида демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланиб, бу борада бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Дарҳақиқат, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг мамлакатини маънавий ҳаётидаги фаол иштироки ахборот эркинлигини таъминлаш билан chambarchас боғлиқ.

Концепцияда тақлиф этилган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббуслари ушбу соҳада босқич-ма-босқич амалга оширилаётган тадрижий ислохотларнинг узвий да-воми бўлиб, ахборот олишининг эркин ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги принципларини амалга ошириш, соҳада бозор механизмларини янада такомиллаштириш ва унга замонавий технологияларни кенг жорий этиш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратишни назарда тутди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг ахборот олиш, ахборотни ҳамда ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш борасида «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунгача телерадиоэшиттиришлар соҳаси Президентимизнинг фармон ва қарорлари, ҳуқумат қарорлари ва бошқа идоравий ҳужжатлар асосида тартибга солиб келинмоқда. Бу борада алоҳида қонун қабул қилиниши эса соҳани янада тараққий эттириш, хусусан, телерадиоэшитти-

ришлар тизимида ўзaro рақобатни кучайтириш, унга илгор замонавий технологияларни кенг жорий этиш, медиамаҳсулотлар сифатини ошириш, хоржий инвестицияларни жалб этиш, бозор механизмларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Айни вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида депутатлар, ҳуқумат вакиллари, экспертлар, ҳуқуқшунос ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилиб, «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси устида фаол иш олиб боришмоқда. Мазкур қонуннинг асосий мақсади телерадиоэшиттиришлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Қонун лойиҳасида телерадио соҳасидаги асосий тушунчалар ва принципларни белгилаш, телерадиоканалларнинг тарқатилиши ҳудудини ҳар хиллаштириш (дифференциялаш), истеъмолчиларнинг ҳеч бир тўловсиз умуммажбурий тусдаги каналларни қабул қилиш ҳуқуқларини кафолатлаш, ҳар бир каналлар тўламини (пакет)да миллий ва хоржий каналларни жойлаштириш тизимига қўйилмайдиган талабларни назарда тутиш, мажбурий равишда тарқатилиши зарур бўлган каналларни танлаш талабларини ҳамда уларни республика ва маҳаллий ҳудудларда тарқатиш шартларини белгилаш масалалари назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорлик

Ўзбекистон дунёнинг кўпжа мамлакатлари билан турли соҳаларда яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар орасида Корея Республикаси алоҳида ўрин тутди.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

Бозорини ривожлантириш йўлида

Икки давлатни тарихий, маънавий яқинлик, мустақам дўстлик ришталари боғлаб туради. Чунки баргиренглик, тотувлик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби олий туйғулар Ўзбекистон ва Корея Республикаси халқларига хос фазилатлардан саналади. Бу жиҳат турли жаҳаларда ўзарo алоқаларнинг жадал суратларда ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, нефть-газ, кончилик, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, логистика, кимё санoати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа қатор соҳаларда қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Қолаверса, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Корея қўшма комиссияси ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда у самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«АНДИЖОН металл ҳамкор» масъулияти чекланган жамиятида рангли шифер ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тўрт юз миллион сўмлик лойиҳа

Ушбу лойиҳа банкдан олинган 200 миллион сўмлик кредит ҳамда корхонанинг ана шунча миқдордаги маблағи эвазига амалга оширилди. Айни пайтда бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида йилига 450 минг донагача рангли шифер тайёрлаш имконияти мавжуд. Қўшимча 20 та иш ўрни яратилган мазкур корхонада дастлабки 50 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, савдо шохобчаларига етказиб берилди.

Шуниси аҳамиятлики, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида 85 та корхонада модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРХОНДАРЁ. Денов туманидаги «Мафтуна Севинч Денов» кўп тармоқли корхонаси раҳбари Қурбон Ниёзов банкдан олган 30 миллион сўмлик кредити ҳамда ўз маблағи эвазига профил эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линияни ишга туширди.

Кредитга замонавий корхона

Айни пайтда 10 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада оғира 80 миллион сўмлик қурилиш маҳсулотлари тайёрланиб, худуддаги қурилиш ташкилотлари ҳамда яқка тартибда уй-жой қурувчиларга арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВОИЙ. Навбахор туманилик Қандиёр Жаҳонқуллов саъй-ҳаракати билан «Келачи» маҳалла фуқаролар йиғини худудда нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона фаолияти йўлга қўйилди.

Келачининг ширмой нонлари

Бунинг учун 29 минг АҚШ долларилек маблағ эвазига хориздан замонавий технологик линия олиб келиб ўрнатилди.

Хозир ушбу «Навбахор сервис» корхонасида кунига бир тоннага яқин нон қайта ишланиб, аҳолига сифатли нон маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Амударё туманида касб-хунар коллежлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Битирувчиларга янги иш ўринлари

Туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда «Қамолот» ЁИХ ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда 22 та корхона ва ташкилот 131 бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида юзга яқин йигит-қизга ишга жойлаштириш учун йўланамалар берилди.

Таъкидлаш керакики, Оролбўйида жорий ўқув йилида касб-хунар коллежларини 30 минг 595 нафар ёш битирди. Уларнинг 28071 нафари, яъни 91,8 фоизи иш билан таъминланди.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФИДОЙИЛИК ВА ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ

фаолиятимизнинг муҳим мезонига айланиши керак

Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриғида ўтган давр мобайнида миллий матбуотимизни ривожлантириш йўлида эришилган натижаларга баҳо берилиб, келгусида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган устувор жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек: «Бугун биз XXI асрда — глобаллашув деб ном олган, шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшар эканмиз ва ўз олдимиз-

га Ўзбекистонни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадини кўйган эканмиз, давр талаблари билан ҳамоҳанг ва ҳам-

қадам бўлиб ҳаёт кечирими- миз зарурлигини ўзимиз учун яна бир бор аниқ-равшан тасаввур этиб олганимиз шарт». Бу фикрлар, ўз навбатида, биз, журналистлар олдида нақадар улкан ва масъулияти вазифа-

Дил сўзи

тезор, ҳолис ахборот олишга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ҳам тобора ортиб бораёяпти.

Шу ўринда ҳар биримизнинг хаёлимиздан «Хўш, ўз фаолиятимиздан, энг аввало, ўзимиз қониқаямизми?» деган савол ўтиши табиий. Айтиш жоизки, истиқлол йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий

асосларини яратиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, журналист кадрлар малакаси ва салҳиятини юксалтириш борасида қатор чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШЛАР СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

бу борадаги қонунчилик базасини янада мустаҳкамлашга боғлиқдир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, мамлакатимизда рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тadbирлар давлат дастурига бinoан, рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш, бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизми ва молиялаштириш манбалашининг эркинлиги ҳамда мустақиллиги каби принципларини белгилаб қўйиш ҳам фойдадан холи бўлмади.

Шунингдек, радиочастоталарни олиш учун ўтказилган танловларнинг демократик ва ошқоралигини таъминлаш, тенг рақобат ҳамда электрон медиабозор тармоқларининг монополияшувига йўл қўймаслиги учун шaroит яратиш, телерадиоэшиттириш орқали ҳар бир шахннинг ахборотни эркин излаш, олиш, ишлаб чиқиш ва тарқатиш ҳуқуқини кафолатлаш, телерадио ташкилотларнинг иқтисодий мустақиллигини, ахборот бозорига рақобатбардошлигини таъминлаш, телекўрсатув ва радио-

каби илғор замонавий технологияларни кенг жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарoитларни яратиш, миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизми ва молиялаштириш манбалашининг эркинлиги ҳамда мустақиллиги каби принципларини белгилаб қўйиш ҳам фойдадан холи бўлмади.

Шунингдек, радиочастоталарни олиш учун ўтказилган танловларнинг демократик ва ошқоралигини таъминлаш, тенг рақобат ҳамда электрон медиабозор тармоқларининг монополияшувига йўл қўймаслиги учун шaroит яратиш, телерадиоэшиттириш орқали ҳар бир шахннинг ахборотни эркин излаш, олиш, ишлаб чиқиш ва тарқатиш ҳуқуқини кафолатлаш, телерадио ташкилотларнинг иқтисодий мустақиллигини, ахборот бозорига рақобатбардошлигини таъминлаш, телекўрсатув ва радио-

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, соҳага интернет, мобиль ва рақамли телевидение

эшиттиришларни ташкил қилиш жараёнига бозор механизми татбиқ этиш ишларини ҳам қонун билан тартибга солиш лозим.

Давлат ва нодавлат хорижий телерадиокомпаниялар, ахборот агентликлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан телерадиоэшиттириш соҳасида ахборот алмашиш бўйича самарали ҳамкорликни амалга ошириш, телерадиоэшиттиришларни эфирга узатишда жамият манфаатларини илғори суриш, телетомошабинлар ва радиотингловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, тижорат ва ноижорат телерадиокомпанияларни йўналишдан келиб чиқиб, аниқ мақомга ажратиш, яъни қачон ва қандай шарoитларда тижорат ёхуд ноижорат канали деб ҳисобланишини белгилаб бериш қонунда назарда тутилган зарур.

Қонун лойиҳасига электрон оммавий ахборот воситалари муассасаларини эркинлаштириш бўйича бир қатор нормалар, жумладан,

давлат, жамоатчилик, нодавлат (хусусий) телерадиоташкилотларнинг ва зифалари, уларни ташкил этиш, телерадиоэшиттириш соҳасида лицензиялаш, телерадиодастурларни оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказиш каби ҳуқуқий нормаларни киритиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ноижорат телерадиоташкилотларнинг телерадиоэшиттиришлар тўғрисидаги қонунлари атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда. Уларнинг миллий қонунчилигимизга уйғун тажрибаларидан фойдаланиш халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари билан янги қабул қилинажак қонуннинг ҳамоанглигини таъминлаш, шубҳасиз.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лекин мана шундай имкониятлардан биз, журналистлар ҳали тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Хусусан, жамиятда учраб турадиган ўткир муаммоларни четлаб ўтиш, кимгадир ёмон кўринмаслик, воқеликка бир хил ёндашиш каби нуқсонларни бартараф

ФИДОЙИЛИК ВА ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ

фаолиятимизнинг муҳим мезонига айланиши керак

этишда дадиллик ва ҳолислик етишмаётгани кўзга ташланмоқда. Бундай камчиликлар бугунги тараққиёт даври талабларига тўғри келмайди, албатта. Шундан тўғри хулоса чиқаришимиз зарур.

Дунё миқёсида Интернет тизими жуда тез суръатда оммалашмоқда. Мамлакатимизда ҳам мазкур глобал тармоқдан фойдаланувчилар сони йил сайин кўпайиб бораётди. Бирок бу тизимдан айрим гaрaзли кўчларнинг ўз манфаатлари, айниқса, ҳали онги шаклларида улгурмаган ёшларни қалғитиш йўлида фойдаланишга уриниш ҳолатлари ҳам учраб турадики, бу ҳеч кимга сир эмас. Шундай шарoитда оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата билишга кўмаклашиш, ҳаққоний ахборотни етказиб беришда оммавий ахборот воситалари зиммасига катта масъулият юкланган. Келгусида ушбу жиҳатларга фаолиятимизни такомиллаштиришнинг узвий бир қисмига айланиши керак.

Фаррух БЎТАЕВ,
«Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танлови ғолиби.

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ

хорижлик шериклар билан алоқалар мустаҳкамланишига хизмат қилаётир

Тажрибадан маълумки, ҳар қандай ҳамкорлик тенг манфаатлиликка қурилсагина ривожланиш бардавом бўлади. Айтиш жоизки, юртимизда истиқлол йилларида хорижий сармоядорлар учун қулай инвестициявий муҳит яратилиши натижасида дунёнинг кўпбал давлатлари билан иқтисодий алоқаларимиз йил сайин кенгаймоқда.

Бу борадаги ишлар самараси Фарғона вилоятида кузатилаётган ижобий ўзгаришларда ҳам кўзга аққол ташланади. Айтилиши, вилоятда мустақилликнинг дастлабки йилларида хорижлик сармоядорлар иштирокида атиги 2 та қўшма корхона фаолият юритиб, улар томонидан бор-йўғи 240 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган ёки савдо хизматлари ўрсатилган бўлса, айни пайтда вилоятда қўшма корхоналар сони 97 тага етиб, жорий йилнинг биринчи қоррағида улар томонидан 134,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу борадаги ўсиш суръати эса аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 130,1 фоизни ташкил этди. Энг муҳими, эндиликда фарғоналик тadbиркорлар хориждан тўғри-тўғри инвестиция жалб этиш эвазига харидорларга турли маҳсулотларни жаҳон андозалари даражасида ет-

казиб беришга эришяптилар. Масалан, Кўқондаги инкирозга юз тутган пойабзал ишлаб чиқариш корхонасига Эроннинг “Куша Санат Каспиан” компанияси томонидан дастлабки улуш сифатида 305 минг АҚШ

Интилиш

доллари миқдорига сармоя киритилиб, унинг ўрнида “Эрон Каспиан Персиан” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона фаолияти йўлга қўйилди. Хозир бу ерда хорижликдан қолишмайдиган 10 турдаги оёқ кийимлари тайёрланапти.

Бундан ташқари, Фарғона шаҳридаги “Фарғона тиббиёт диагностика”, “Бел Транс Азия”, “UZSUNG-WOO”, “Фергана глобал инвернэйшн” қўшма корхоналарининг ташкил этилиши нафақат ички ва ташқи бозорни янги маҳсулотлар билан тўлдириш, балки аҳоли

бандлигини таъминлашда ҳам муҳим омили бўлаётир.

Маъжуд қўшма корхоналарда модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор берилётгани ҳам мейвандир. Бунинг учун биргина энгил санoат тизимидаги корхоналарни ривожлантиришга мўлжалланган махсус дастур жорий этилганини айтиш киёфа. Чунки унга бinoан, шу йилнинг ўзидa тизимдаги 8 та корхонани модернизация қилиш кўзда тутилган. Қолаверса, дастур доирасида салкам 32 миллиард сўмлик ва 19,3 миллион АҚШ долларлиги инвестиция ўзлаштирилиши кутилмоқда. Бу яна 1325 киши иш билан таъминланади, дегандир.

Мухтасар қилиб айтганда, вилоятда хориж инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг сони ва қуввати ортиб бораётгани аҳолини иш билан таъминлаш баробарида, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Меҳнат ярмаркаси

Чирчиқ шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси, вилоят ўрта махсус, касб-хуна таълими бошқармаси ҳамда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тadbирда 50 га яқин корхона ва ташкилотлар 500 дан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Меҳнат ярмаркаси якунида олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари битирувчилари ҳамда муддатли харбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг 122 нафари ишга қабул қилинди.

Умуман, жорий йилда вилоят бўйича 52 та шундай ярмарка ўтказилиб, уларда 7,5 минг нафар фуқаро билан меҳнат шартномаси имзоланди.

Ш. ҒАЙРАТОВ.

САЙЛОВЧИ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ

маҳалла оқсоқолининг асосий мақсадидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Авалло, вилоятда ушбу ижтимоий-сиёсий тadbирга пухта ҳозирлик қўрилганини алоҳида айтиб ўтиш зарур. Жумладан, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ташкил этилиб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун барча шарoитлар ярати берилди. Ўтган даврда улар сайлов қонунчилигини кенг тушунтириш, сайловчиларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, демократия, очкилик, ошқоралик тамойилларига қатъий риоя этиш борасида аниқ иш олиб борилади. Айни пайтда сайловни ташкил қилишда асосий бўлин ҳисобланган ишчи гуруҳлар фаолияти самарали йўлга қўйилди.

Умуман олганда, вилоятда сайловни ўтказиш учун барча тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Бу сай-ҳаракатлар ҳар бир маҳаллада

4-5 нафар номзод орасидан ташкилотчилик қобилиятига эга, аҳоли орасида оёқ-эътибор қозongan етакчиларни танлаб олиш имконини берди. Сайлов натижаларига кўра, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари таркиби сифат жиҳатдан сезиларли даражада янгиланганлигини алоҳида айтиб ўтиш зарур.

— Янги сайланган етакчиларнинг 445 нафари олий, 104 нафари ўрта махсус маълумотли мутахассислар бўлиб, уларнинг 57 нафари иқтисодчи, 19 нафари ҳуқуқшунос, 143 нафари ўқитувчи, 330 нафари бошқа касб эгаларидир, — дейди вилоят кўмаклашувчи комиссия раиси Зафар Таиров. — Ўтказилган ушбу ижтимоий-сиёсий тadbирлар жамиятда хотин-қизларнинг фаоллиги ошганлигини кўрсатди. Сайловларда 100 нафарга яқин хотин-қиз фуқаролар йиғинлари раисла-

ри лавозимларига сайлангани ҳам бунинг аққол исботидир.

Яна бир эътиборга қилинмаълумот. Фуқаролар йиғинлари раисларининг 128 нафари, маслаҳатчиларининг эса 547 нафари биринчи марта бу лавозимларга лойиқ кўрилди.

Хуллас, Бухорода ўтказилган сайлов жараёнида ташкилотчи, эл қорига ярайдиган, муҳими, ислохотларда фаол иштирок этиш салоҳиятига эга юртдошларимиз фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига саралаб олинди. Эндиликда улар ўз ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда бош-қош бўлиб, шу орқали мамлакатимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилдилар, албатта.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

бозорини ривожлантириш йўлида

ри ҳодимлари иштирок этган тadbирда мазкур соҳада амалга оширилаётган ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Тadbир доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Корея Фонд биржаси ўртасида қимматли қоғозлар бозорини модернизациялаш тўғрисидаги келишув имзоланди. Қайд этилдики, бу икки давлат фонд бозори фаолият доирасини янада кенгайти-

ришга имкон беради. Мазкур ҳужжатда мамлакатимизга реал вақт режимидagi янги фонд биржа инфратузилмасини яратиш учун замонавий ахборот технологияларини олиб келиш ҳам назарда тутилган.

Тadbирда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олишди.

Фозилдин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

• КОСОН тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда навбатдаги меҳнат ярмаркасини ташкил этди. Унда тумандаги 42 та корхона ва ташкилот 300 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Яқунда 83 кишига ишга жойлаштириш учун йўланма берилди.

• НУКУСда Қорақалпоғистон Республикаси ногиронлар жамияти томонидан “Ранг-баранг бўёқлар дунёси” деб номланган расмлар танлови ўтказилди. Унда Нукус шаҳри ва туманлардан ташриф буюрган имконияти чекланган болалар ўз ижод намуналарини билан қатнашди. Фаол иштирокчиларга ҳомийларнинг қимматбахо совғалари топширилди.

• “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси Жанубий корейлик шифокорлар билан ҳамкорликда ҚАРМАНА туманидаги Маликработ кўрғонидa кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлар, аёллар ва болаларни тиббий кўриқдан ўтказди. Уларга хориждан келтирилган дори-дармон воситалари бепул тарқатилди.

• ШАҲРИХОНдаги “SDK Group And” хорижий корхонаси ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бормоқда. Жамоа жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида миқозларга 462 минг донадан ортиқ бутловчи қисм етказиб берганлиги бунинг кўрсатиб турибди. Яна бир муҳим томони, ишлаб чиқаришнинг ортши эвазига қўшимча 57 та иш ўрни яратилди.

• ПАЙШАНБА шаҳрилик тadbиркор Комил Раҳмонов лойиҳа қиймати 40 минг АҚШ долларлиқ хусусий корхона ташкил қилди. Хозир бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида йилга 600 тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасида Корея Фонд биржаси раҳбари жаноб Бонг Су Ким бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашувда ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мушофирлаштириш ва назорат қилиш маркази, “Тoшкент” Республика фонд биржаси ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси вакиллари, етакчи мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситала-

ҳаракатлар самараси ўларoқ, бебаҳо кадрларнинг йўналиши — Наврўз, Катта ашула, Шашмақом мусиқаси ҳамда Бойсун мин-

НОМОДДИЙ МЕРОС — МУҲОФАЗАДА

Тadbир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда Тoшкент давлат маданият институти ҳамкорлигида ташкил этилди. Анжуманда сўзга чиққанлар мам-

лакатимизда Президентимиз раҳнамолигида юртимизнинг ҳаққоний тарихини ўрганиш, номоддий маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва жаҳон миқёсида кенг танитишга катта эътибор қаратилаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Қайд этилгандек, бу каби эзгу саъй-

тақаси маданий муҳити ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган.

Анжуман мизда номоддий ёдгорликларни асраш ва тарғиб этиш борасида тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар, илмий тадқиқот муассасалари ҳамкорлигида турли лойиҳалар, тadbирлар, илмий из-

ланишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Базиранлар Махкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлаётди. Зеро, бу йўналишда ўнлаб илмий-оммабоп китоблар, рисоалар нашр этилиб, янгидан-янги тадқиқотлар олиб борилмақда.

Анжуманда, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро тажрибалар, миллий қонунчилик асослари, таълим жараёнида амалга оширилмиш лозим бўлган ишлар юзасидан илмий маърузалар тингланди.

Назoкат АҲМЕДОВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Янгитдан қурилган Савицкий номидаги давлат санъат музейи фақат қорақалпоқ элига хизмат қўрсатиб қолмай, кўпбал сайёҳларнинг ҳам эътиборини жалб қилиб келмоқда. Айни пайтда Республика давлат Ўлкашунослик музейининг янги биноси қурилиши олиб борилаёпти.

2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори биз, соҳа ҳодимларини фoятда хурсанд қилди, — дейди Нукусдаги янгидан қурилган 12-сонли мусиқа ва санъат мактаби директори Жолдасбой Турдимуратов. — Мақтаннишга йўлманг, мен касбим тақозоси билан кўп мамлакатларда бўлдим. Аммо ҳеч бир жойда му-

суқиқага ошно бўлган қалбдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Ўсиб келаётган ҳар бир ёшнинг юрагидa мусиқага ҳавас уйғота олсак, айни мудабо. Зеро, улар юртимизнинг ёруғ келажакини таъминловчилардир.

Маълумки, мамлакатни оламга танитишда спортнинг ўрни боқий. Унинг соғлом авлодни бо-яга етказишдаги аҳамияти жуда

Мендибаев каби жаҳон чемпионлари етишиб чиқди.

Ҳозирги кунда Нукус марказий деҳқон бозори жаҳон андозаларига мос ҳолда, замонавий тарзда қайта реконструкция қилинмоқда. Айни пайтда шаҳарда миқддан ортиқ савдо дўконлари, 150 тадан зиёд умумий овқатланмиш нуқталари, 200 дан кўп машиий хизмат кўрсатиш шохоб-

жамли фойдаланиш учун электрон ҳисоблагичлар билан таъминланаётганлиги ушбу соҳалардаги салмоқли иқтисодий ўтуқларга замин яратмоқда.

— Президентимизнинг Нукусга мамлакатимизнинг иккинчи пойтахти, деяр берган таърифи ҳар бир нуқсаликка улкан масъулият юклайди, — дейди Нукус шаҳри ҳокими, Қорақалпоғистон

БУГУНИ ФАРОВОН, КЕЛАЖАГИ ЁРУФ

Бердақ номидаги давлат мусиқа театри тўла реконструкция қилинди. Буюк аллома Мирзо Улуғбек, қорақалпоқ элининг мумтоз шоирлари Бердақ ва Ажиниёз хайкаллари Нукус марказида қад ростлаб, хибобларни обод қилинди.

— Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 —

сиқа мактабларига бунчалик эътибор қаратилганини кўрганим йўқ. Президентимизга минг бора ташаккур. Дунёнинг ҳамма ерида иқтисодий инкироз юз бериб турган бир пайтда бизнинг мамлакатимизда беқийс бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. 1 миллиард 672 миллион сўмлик маблаг сарфланиб барпо этилган мана шу янги замонавий мусиқа мактабимизда яратилган шарoитлар кўрган кишининг ҳавасини келтиради. Зеро,

катта. Мана шуларни инобатга олган ҳолда, юртимизда спортни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Истиқлол йилларида биргина Нукус шаҳрининг ўзидa Олимпия захиралари ва Нукус спорт коллежлари, ёпиқ теннис корти, “Спорт манежи”, Қураш спорт зали, “Орол”, “Амударё” ва Олимпия захиралари коллежларининг ёпиқ сув хавзалари, 20 дан ортиқ болалар спорт майдончалари янгидан қурилди. Уларда бугун минглаб

қ о р а қ а л п о қ ёшлари спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Мана шундай эътибор ва гамжўрлик натижасида Еркинбой Қутибоев, Низаматдин Хожабоев, Азамат Ешатаев, Нодира Казакова, Алибек Крабаев, Нилуфар Годоева, Баҳром

чалари ишлаб турибди. Жаҳон талаблари даражасидаги хизмат йўлга қўйилган “Карвонсарой”, “Жасмин”, “Аида”, “NEO” ресторани миқозлар билан доимо бағавжум.

